



## DEVELOPMENT TRENDS IN UZBEK FINE ARTS DURING THE 1950S–1960S: NATIONAL IDENTITY, REALISM, AND GENRE INNOVATION

*Durdona Makhmudova*

*Lecturer at UBS University*

*E-mail: [d.makhmudova@mail.ru](mailto:d.makhmudova@mail.ru)*

*Tashkent, Uzbekiston*

---

### ABOUT ARTICLE

---

**Key words:** fine arts, portrait, landscape, book graphics, national identity, socialist realism, Uzbekistan, 1950s–60s.

**Received:** 19.11.25

**Accepted:** 20.11.25

**Published:** 21.11.25

**Abstract:** This article analyzes the main development trends of fine arts in Uzbekistan during the 1950s–1960s. It examines stylistic transformations in portrait, landscape, genre painting, and book graphics, as well as the growing interest in national themes and the influence of socialist realism. The study also highlights the formation of professional art schools, pedagogical activities, the role of creative unions, and challenges such as the lack of local sculptural specialists and the slow development of monumental art.

---

## 1950–1960-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ: МИЛЛИЙЛИК, РЕАЛИЗМ ВА ЖАНР ЯНГИЛАНИШИ

*Дурдона Махмудова*

*UBS университети ўқитувчиси*

*E-mail: [d.makhmudova@mail.ru](mailto:d.makhmudova@mail.ru)*

*Тошкент, Ўзбекистон*

---

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

---

**Калит сўзлар:** тасвирий санъат, портрет, пейзаж, китоб графикаси, миллийлик, социалистик реализм, Ўзбекистон, 1950–60-йиллар.

**Аннотация:** Мазкур мақолада 1950–1960-йилларда Ўзбекистон тасвирий санъати ривожланишининг асосий йўналишлари таҳлил қилинади. Урушдан кейинги даврда портрет, пейзаж, жанрли картина ва китоб графикасида кузатилган услубий янгиликлар, миллий мазмунни англашга интилиш ва социалистик реализм тамойилларининг таъсири ёритилади. Шунингдек, рассомлар мактабининг

шаклланиши, педагогик фаолият, ижодий уюшмаларнинг роли ҳамда ҳайкалтарошлик ва монументал санъатдаги кадрлар етишмаслиги каби муаммолар очиб берилди.

## ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА В 1950–1960-Е ГОДЫ: НАЦИОНАЛЬНАЯ САМОБЫТНОСТЬ, РЕАЛИЗМ И ЖАНРОВОЕ ОБНОВЛЕНИЕ

*Дурдона Махмудова*

*Преподаватель Университета UBS*

*E-mail: [d.makhmudova@mail.ru](mailto:d.makhmudova@mail.ru)*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** изобразительное искусство, портрет, пейзаж, книжная графика, национальность, социалистический реализм, Узбекистан, 1950–60-е годы.

**Аннотация:** В статье анализируются основные тенденции развития изобразительного искусства Узбекистана в 1950–1960-е годы. Рассматриваются стилистические изменения в портрете, пейзаже, жанровой живописи и книжной графике, стремление к национальному содержанию и влияние принципов социалистического реализма. Особое внимание уделяется формированию художественной школы, педагогической деятельности, роли творческих организаций, а также проблемам нехватки скульпторов и слабого развития монументального искусства.

**Кириш.** XX асрнинг ўрталари Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида урушдан кейинги тикланиш, жанрий бойиш ва миллий бадий тафаккурнинг фаоллашуви билан характерланади. 1950–1960-йилларда рассомлар ижодида инсон образини чуқур психологик талқин қилиш, табиат ва меҳнат мавзусини реалистик ёритиш, шунингдек китоб графикаси ва портрет жанрида услубий янгиланиш кузатилди. Бу жараён бир томондан социалистик реализм эстетикаси билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан миллий маданий хусусиятларни англашга бўлган эҳтиёж билан белгиланди.

Мақоланинг мақсади — мазкур даврдаги тасвирий санъат ривожининг асосий тенденцияларини тарихий-таҳлилий жиҳатдан ёритиш ва жанрлар кесимидаги ўзгаришларни илмий асосда баҳолашдан иборат.

Адабиётлар таҳлили: Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи бўйича фундаментал тадқиқотлардан бири Р.Х. Такташнинг асари бўлиб, унда XIX аср охиридан 1960-

йилларгача бўлган давр комплекс таҳлил қилинган, портрет, пейзаж ва графика ривожига доир муҳим фактлар келтирилган [1; 3; 4; 6].

Нуритдин Муҳитдинов мақоласида айрим портрет асарларининг яратилиш тарихи ва уларнинг ижтимоий-маданий аҳамияти очиб берилган [2].

Х.Д. Устабоева тадқиқотида совет даврида санъатни ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш ва ҳайкалтарошлик соҳасидаги муаммолар таҳлил этилган [5]. Даврий матбуот материаллари эса монументал санъат ва қурилиш билан боғлиқ масалаларнинг амалиётда қандай кечганини кўрсатади [7]. Лутфулла Абдуллаевнинг мақоласи ижодий уюшмалар ва рассомлар фаолиятини баҳолашда муҳим манба вазифасини ўтайди [8].

Шу манбалар ушбу тадқиқотнинг назарий ва фактологик асосини ташкил этди.

Методология:

Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди:

- тарихий-хронологик таҳлил (санъат ривож босқичларини даврийлик асосида ўрганиш);
- қиёсий таҳлил (жанрлар ва услубларни солиштириш);
- санъатшунослик интерпретацияси (асарларнинг бадиий ечими ва мазмунини шарҳлаш);
- манбашунослик усули (архив, илмий адабиёт ва даврий матбуот материалларини таҳлил қилиш)

Таҳлил ва натижалар. 1950-йиллар бошларида Ўзбекистон тасвирий санъатида урушдан кейинги маданий тикланиш жараёни бадиий ифоданинг чуқурлашуви, образлилик ва композицион мукамалликка интилиш билан характерланди. Бу даврда рассомлар фақат ташқи қиёфани эмас, балки инсоннинг ички руҳий ҳолатини очиб беришга ҳаракат қилдилар. Шу жиҳатдан Ю. Елизаров истеъдодли портретчи сифатида майдонга чиқди. Унинг 1951 йилда яратган «Ёзувчи С. Айни портрети» асари шахс психологиясини колорит ва композиция орқали ифода этиш имкониятини намоён этган муҳим намуна бўлди.

Пейзаж жанрида ҳам сифат жиҳатдан янгиланиш кузатилди. Урал Тансиқбаев ижодида бу жараён айниқса яққол намоён бўлиб, урушдан кейинги мусиқий-лиризмга асосланган кичик форматли этюдлардан кенг қамровли, панорамали пейзаж-картина асарларига ўтиш кузатилди. Бу эса тасвирий маконнинг кенгайиши, детализация ва композицион яхлитликка интилишни англатар эди. Рассом тематик ва серияли асарлар яратиб, табиат ва меҳнат манзараларини эпик руҳда ифодалашга эришди. Ушбу тенденциялар бутун республика рассомлигида асарларнинг «битмалик» ва яқунланганлик даражасини оширишга туртки берди. Шу билан бирга, Самарқанд мактаби вакиллари — Р. Тимуровнинг камеравий-лирик тонал рассомлиги, Н. Караханнинг реалистик пейзажлари,

С. Сахарцев ва К. Богодуховнинг изланишлари пейзаж жанрининг услубий хилма-хиллигини бойитди [1, б-190].

Портрет жанрида ижтимоий-идеал қаҳрамон образини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Назарали Ниёзов портрети» шу маънода давр талабларини ифода этувчи асар сифатида шаклланди. Марказком муҳокамаларидан сўнг портрет қайта ишланиб, қаҳрамоннинг меҳнаткашлик ва жасорат тимсоли сифатидаги қиёфаси — оқ ятак, кўкракда Олтин юлдуз, елкада кетмон билан тасвирланиши орқали идеаллаштирилган халқ образи яратилди. Бу ҳолат санъатнинг совет даври мафкуравий вазифалари билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Асарнинг ижтимоий аҳамияти шунчалик кучли бўлдики, 1951 йили Назарали Ниёзовнинг илғор тажрибасини оммалаштириш масаласи ҳатто давлат миқёсида кўтарилди [2, б-15-16].

Урушдан кейинги даврда графика санъати ҳам фаол ривожланди, айниқса китоб графикаси ва плакат жанри устувор йўналишга айланди. Станокли графика маълум муддат сусайган бўлса-да, В. Рождественскийнинг фронтвий эскизларга асосланган литографиялари мазкур соҳада мазмунли изланишларни сақлаб қолди. Асосий тараққиёт эса китоб беағи соҳасида кузатилди. Миллий анъаналарга мурожаат қилиш, орнамент ва архитектура шакллари композицияга уйғунлаштириш, ранг маданиятини юксалтириш каби тамойиллар кучайди. Искандер ва В. Икрамов ижодида ана шу миллийлик ва таркибийликка интилиш китоб графикасини янги босқичга олиб чиқди.

В. Кайдалов эса тажрибали иллюстратор сифатида китобнинг умумий бадиий ечимини яратишга қодир муаллиф сифатида шаклланди. Унинг «Қирқ қиз», «Боис йўлида», «Ечимсиз Санжар», «Алпамиш» каби асарларга ишлаган иллюстрациялари адабий манба руҳига мос услуб, тонал ечим ва композицион яхлитлик билан ажралиб туради. Бу даврда К. Чепраков, В. Кедрин, С. Марфин, А. Венедиктов, А. Ошейко, В. Бремян каби рассомлар ҳам китоб графикаси ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Хусусан, офорт техникасидаги меъморий пейзажлар ва алоҳида иллюстрациялар графиканинг профессионал даражасини оширди [1, б-191].

Умуман олганда, 1950-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида жанрлар кесимида услубий такомиллашув, миллийлик ва реализм уйғунлиги, шунингдек мафкуравий мазмуннинг кучайиши билан характерланади. Портрет, пейзаж ва китоб графикасидаги ушбу жараёнлар республика бадиий маданиятининг янги босқичга кўтарилганини кўрсатади.

1955–1965 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётида янги мазмун ва услубий қидирувлар билан характерланадиган босқич сифатида намоён бўлди. Бу даврда республикада фаолият юритган рус рассомлари ўзбек халқининг миллий ҳаётини чуқур ҳис

килиш, унинг турмуш тарзи, характер ва маданий қиёфасини бадиий жиҳатдан англашга интилишдилар. Мазкур жараёни миллий мавзуга мурожаатнинг иккинчи тўлкини сифатида баҳолаш мумкин. Биринчи тўлқин 1930–40-йилларда П.П. Беньков, Э.М. Ковалевская, Усто-Мумин, А.Н. Волков, Н.В. Кешина, М.И. Кураин ижодида намоён бўлган бўлса, иккинчи босқичда миллий ҳаёт лирик ва қахрамонлик руҳида, ижобий қахрамон образи ва халқ маданиятининг ўзига хослигини очишга қаратилган ҳолда тасвирланди. Айниқса, портрет ва портрет-картина жанрларига қизиқишнинг ортиши инсон образи орқали давр руҳини ифода этишга бўлган эҳтиёжни кўрсатади [1, б-198].

Шу билан бирга, тасвирий санъат тармоқларининг барчасида ҳам бирдек тараққиёт кузатилмади. Хусусан, ҳайкалтарошлик соҳасида маҳаллий миллат вакилларида чикқан профессионал кадрлар етишмаслиги жиддий муаммо сифатида сақланиб қолди. Бу ҳолат миллий пластик санъат мактабининг шаклланишини секинлаштирди. Масалани ҳал этиш мақсадида КПСС XX съезди қарорларига мувофиқ, уй-жой ва давлат қурилишларида ўзбек ҳайкалтарошларининг фаол иштирокини таъминлаш вазифаси қўйилди, яъни монументал санъатни амалий қурилиш жараёни билан боғлаш орқали мутахассислар тайёрлашга уринишлар қилинди [3, б-35].

1950-йиллар иккинчи ярмида ижодкорлар фаолиятида реал ҳаётни типик ва характерли ҳолатларда акс эттиришга интилиш кучайди. Бу жараён Р. Ахмедов ижодида айниқса яққол кўзга ташланади. У ўзбек халқи ҳаёти ва табиат манзараларини ўрганиш орқали портрет ва пейзаж этюдларида касбий маҳоратини мустаҳкамлади. Шу даврда М. Саидов ва Р. Ахмедовнинг Ранкент театрал-санъат институтидаги педагогик фаолияти, ёш рассомлар тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Улар билан бирга фаолият юритган Т. Оганесов эса портрет жанрида салмоқли ютуқларга эришди. Унинг С.П. Бородин портрети реалистик ечим, характерни чуқур очиб бериш ва ранг гаммасининг совуқ, салобатли оҳанги билан ажралиб туради. Портретда ёзувчининг жиддий ва самимий табиати ишончли бадиий воситалар орқали ифодаланган.

Меҳнат мавзуси ҳам давр рассомлигида муҳим ўрин эгаллади. В.И. Сизгановнинг пахтачи портрети (1960 й.) ва Оганесовнинг Хайдаркан қазиб олиш жойида яратган ишчилар образлари меҳнат инсонларининг куч-қуввати, самимийлиги ва соғлом характерига урғу бериши билан аҳамиятлидир. Бу асарларда социалистик реализм эстетикаси билан бирга тирик кузатув ва психологик ишонч устуворлик қилади. Жанрли картиналарда ҳам мазмун жиҳатдан чуқурлашув кузатилди. М. Свидов 1954 йилдаги «Нормаларни бажармади» асаридан сўнг «Горда», «Дўст қизлар», «Чобан» каби ишларида инсон муносабатлари ва кундалик ҳаёт драматизмининг психологик талқинида ёритди. З.М.

Ковалевская аъналарини давом эттирган ҳолда К. Свидов ўзбек жанр рассомчилигига ички кечинмаларга асосланган қиссавийлик ва психологизм олиб кирди [1, б-200].

Бироқ барча ютуқларга қарамасдан, ташкилотчилик ва институционал муаммолар ҳам мавжуд эди. 1950-йилларда янги қурилиш ва архитектура билан боғлиқ ҳолда монументал санъатни ривожлантиришга масъул мутахассислар ва ташаббускорлар етишмади. Натижада монументал-декоратив йўналиш ижодий ташкилотлар диққатидан четда қолиб, бу соҳанинг ривожини секинлашди [4].

Шу нуқтаи назардан, Рассомлар союзи фаолияти муҳим аҳамият касб этди. XX асрнинг 30–50-йилларида ташкилотга турли раҳбарлар — Барханов, В.И. Уфимцев, У. Тансиқбоев, С. Абдуллаев, И. Икромовлар раислик қилди. Улар қисқа муддатли раҳбарлик даврида ҳам кўплаб тематик полотнолар, портрет ва пейзажлар яратилиши, кўргазмалар ташкил этилишига туртки бердилар. Айниқса, Барханов даври санъат ҳаётининг фаоллашуви билан характерланади [5, б-3].

Умуман олганда, 1955–1965 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида миллий мазмунни англаш, инсон образи орқали давр руҳини ифода этиш, педагогик мактаб шаклланиши ва жанрлар хилма-хиллигининг кенгайиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, ҳайкалтарошлик ва монументал санъатдаги кадрлар етишмаслиги каби муаммолар соҳанинг тўлиқ ривожланишига тўсқинлик қилган. Бу даврни ютуқ ва муаммолар биргаликда мавжуд бўлган ўтиш босқичи сифатида баҳолаш мумкин.

**Хулоса.** 1950–1960-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида жанрий ва услубий янгиланиш даври бўлди.

Биринчидан, портрет ва портрет-картина жанрида инсоннинг ички дунёси ва меҳнат қаҳрамони образини очишга интилиш кучайди.

Иккинчидан, пейзаж ва жанрли картиналарда миллий муҳит ва табиат манзаралари реалистик ва лирик талқинда акс эттирилди.

Учинчидан, китоб графикаси миллий орнамент ва композицион ечимлар орқали юқори бадий даражага кўтарилди.

Тўртинчидан, педагогик фаолият ва Рассомлар союзи фаолияти ижодий мактаб шаклланишига туртки берди.

Шу билан бирга, ҳайкалтарошлик ва монументал санъат соҳасидаги кадрлар етишмаслиги, ташкилий муаммолар ривож суръатини чеклади.

Умуман, мазкур даврни миллийлик ва реализм уйғунлашган, ўзбек тасвирий санъатининг профессионаллашуви ва институционал мустаҳкамланиши босқичи сифатида баҳолаш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Такташ, Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана (вторая половина XIX в. — шестидесятые годы XX в.). — Ташкент: Фан, 1972. — 250 б.
2. Муҳитдинов, Нуритдин. Гўзаллик заволи билмайди // Совет Ўзбекистони санъати. — Тошкент, 1987. — №6. — Б. 15–16.
3. Устабоева, Х.Д. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон санъати. — Тошкент: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока ва Ўзбекистони Сурх бирлашган нашриёти, 1957. — 35 б.
4. Тошкент ҳақиқати газетаси. — 1956 йил 28 апрель.
5. Абдуллаев, Лутфулла. Халққа хизмат қилайлик // Совет Ўзбекистони санъати. — Тошкент, 1988. — №1. — Б. 3.